

---

## “Омбудсман мактаби” лойиҳаси доирасида “Ўзбекистон халқчил ва ижтимоий давлатдир” мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди

Қува туманидаги 13-болалар musiқа мактабида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг аҳолини ҳуқуқий хабардорлигини оширишга қаратилган “Омбудсман мактаби”нинг навбатдаги тадбири ўтказилди.

Қайд этиш лозимки, Омбудсманга юборилаётган фуқаролар мурожаатлари аёллар, ёшлар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга белгиланган ҳуқуқ ва имтиёزلардан беҳабар эканликларини кўрсатмоқда. Шу мақсадда, Омбудсман институти минтақавий вакили томонидан мурожаатлар шахар, туманлар кесимида таҳлил қилинди ва аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини оширишга зарурат бўлган соҳалар танлаб олинди.

Бугунги тадбир давомида Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими Г.Қодирова – хотин-қизларга нисбатан зўравонликка оид ҳолатларга қарши кураш борасида қабул қилинган қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти Кенгашининг масъул ходими А.Тўрахўжаев - Янги Мехнат кодексининг фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини химоя қилиш ва меҳнатини муҳофаза қилишдаги аҳамияти, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва Бандлик бошқармаси масъул ходими А.Мухторжонов - вилоят Камбағалликни қисқартириш ва Бандлик бошқармаси томонидан аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлаш борасида олиб бораётган фаолияти, соҳада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида маълумот бердилар.

Тадбирда сўз олган, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Фарғона вилоятидаги минтақавий вакили Алишер Камиллов “Омбудсман мактаби” доирасида ўтказиладиган тадбирлардан асосий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш, хусусан янги қабул қилинаётган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ёшларга, аёлларга, кексаларга ва ногиронлиги бўлган шахсларга яратилаётган шароитлар, имтиёزلардан уларни хабардор қилишдан иборат эканлигини қайд этди. Шунингдек, Омбудсманнинг минтақавий вакили фуқароларга мурожаатлар билан ишлаш ва ҳаракати чекланган шахслар сақланаётган муассасаларга амалга ошираётган мониторинг ташрифлари ҳақида маълумот берди. Бундан ташқари, Омбудсман минтақавий вакилига мурожаат қилиш усулларига ҳам тўхталди.

*Ўзаро мулоқотлар давомида танланган соҳалар ва масалалар бўйича фаолият юритадиган ваколатли давлат органларига асослантирилган мурожаатларни киритиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданияти оширилди. Бу эса фуқароларга амалий ва манзилли ёрдам кўрсатишда давлат органи ва аҳоли ўртасида конструктив алоқаларнинг ўрнатилишига хизмат қилади.*

*Омбудсман мактаблари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ҳудудлардаги минтақавий вакиллари томонидан мунтазам равишда республика бўйлаб ташкил этилади, имкон доирасида ҳар бир маҳаллага кириб, фуқаролар таклиф ҳамда муаммолари ўрганилади ва таҳлил қилинади.*

Ўзаро савол жавоб ва эркин мулоқот руҳида ўтган тадбирда навбатдаги Омбудсман мактабларида кўтарилиши зарур бўлган соҳалар бўйича ҳам таклифлар олинди.